

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЙТОВА ЮЛДУЗ САИТОВНА

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК
ЖАРАЁНИДА ИЖОДИЙ-КОММУНИКАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК 37.013:159.9

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Хаитова Юлдуз Саитовна

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлик жараёнида ижодий-коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш 3

Хаитова Юлдуз Саитовна

Развитие творческо-коммуникативных навыков будущих учителей в процессе профессионального обучения 23

Khaitova Yulduz Saitovna

Development of creative-communication skills of future teachers in the process of vocational training 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАИТОВА ЮЛДУЗ САИТОВНА

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИК
ЖАРАЁНИДА ИЖОДИЙ-КОММУНИКАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020/4.PhD/Ped1501 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.iirpo.uz) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Курбонов Шавкат Эргашевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шарипова Диляра Джуманиязовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Мирсолиева Мухаббат Тўхтасиновна
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “16” 04 соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: 71-246-92-17; факс: 71-246-90-37; e-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz).

Диссертация билан педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (37 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: 246-92-17; факс: 246-92-17).

Диссертация автореферати 2021 йил “ ” кун тарқатилди.
(2021 йил “ ” даги _____ рақамли реестр баённомаси).



Р.Х.Джураев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, п.ф.д., профессор, академик

Е.Ю.Ашурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.н., профессор

К.Т.Олимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида глобал аҳамиятли таълим-тарбия жараёнларида бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш масаласи долзарб саналмоқда. Ривожланган мамлакатлардаги энг илғор таълим марказлари (Center for Creative Leadership Courses, IEDP, MOOC, CPC)да креатив ва коммуникатив қобилиятлар муҳим сифатлар қаторида алоҳида эътироф этилмоқда. Жумладан, креатив, коммуникатив, очиклик, маълумот даражаси ҳамда ижтимоий мавқега эга бўлган турли ёшдаги шахслар билан муомала қилишнинг турли хил вариантларига (Verbal, Written, Nonverbal) тайёр, бошқаларга намуна бўлиши кераклиги таъкидланган. Бу эса касбий таълим жараёнида бўлажак ўқитувчи мослашувчан, динамик, ўзига хос ижодкор бўлиши, янги шароитларга тез мослаша олиши ва инновацион касбий фаолият олиб бориши учун муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда педагог кадрларнинг касбий тайёргарлик жараёнида эмоционал, когнитив ва конатив каби ижодий-коммуникатив қобилиятларини тизимли, партисипатив, мотивацион, дискурсив, рефлексив ва фаолиятли ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали ижодий таълим (Creative Education) жараёнини самарали ташкил этиш, олий таълим муассасаларида талабаларни педагогик касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштиришга қаратилган ижодий-коммуникатив қобилиятларини ривожлантиришнинг функционал компонентларига мос интеллектуаллик, ностандарт фикрлаш, мустақиллик ва асертивлик каби муҳим сифатларини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, бўлажак ўқитувчиларни жаҳон стандартлари даражасида педагогик касбий фаолиятга тайёрлашни амалга оширишда фанлараро интеграцияни таъминлаш, ностандарт, мазмуний ва когнитив мулоқотни олиб бориш, ижодий хатти-ҳаракатларни амалга ошириш, мутахассисликка хос сифатларни ривожлантириш, умуммаданий ва умумкасбий компетенцияларини шакллантириш орқали талаба ижодий-коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш заруратини тақозо қилади.

Мамлакатимизда халқаро таълим стандартлари асосида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиши, илғор педагогик технологиялар ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, илмий-педагог кадрларнинг ижодий-коммуникатив салоҳиятини ривожлантириш масалалари Ҳаракатлар стратегияси¹нинг устувор йўналишларига мувофиқ олий таълим даражасини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳамда таълим шакллари ва босқичларини янада такомиллаштириш асосий вазифалари сифатида белгиланди. Бу эса, илғор

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – Б.39.

инновацион амалий ишланмаларни амалиётга кенг татбиқ этиш асосида талабаларда ижодий-коммуникатив қобилиятларини ривожлантиришнинг амалдаги методикаларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2829-сон “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда малакали кадрлар касбий тайёргарлигини турли аспектларда такомиллаштиришга доир бўлажак мутахассисларнинг касбий-инновацион тайёргарлигини ижодий фаоллиги, шунингдек, талабаларда танқидий, ижодий тафаккурни шакллантириш йўллари ва шакллари, мавжуд педагогик шарт-шароитлари, илмий-дидактик асослари республикамиз олимлари Р.Ҳ.Джураев, Ш.Э.Қурбонов, А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимқулов, У.И.Иноятов, А.Р.Ходжабаев, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, Ш.С.Шарипов, З.К.Исмаилова, Ф.М.Закирова, Г.Н.Ибрагимова, Р.Д.Шодиев, О.А.Қўйсинаев, Н.М.Эгамбердиева, Д.И.Рўзиева, Э.Р.Юзликаева ва бошқа олимларнинг илмий изланишларида ёритилган.

Касбий фаолиятга тайёрлашда креативлик ва коммуникативлик масалаларининг педагогик-психологик аспектлари, талабаларнинг ўз-ўзини ижодий фаоллаштириш, шахсга йўналтирилган таълим муҳитини ташкил этиш муаммолари бўйича Дж.Гилфорд, Е.Торренс, А.Леонтьев, А.Маслоу, К.Роджерс, Н.Ильин, М.Давлетшин, В.А.Сластенин, Г.Чижакова, И.Риданова, Ю.Круглова, Ж.Йўлдошев, Н.Азизходжаева, Ў.Толипов, Э.Ғозиевлар каби олимларнинг илмий изланишларида кенг ёритилган.

МДХ мамлакатларида олий таълимда педагогларни тайёрлаш жараёнида ижодий қобилиятларни фаоллаштириш ва ривожлантириш масалалари Л.Г.Антропова, Т.Г.Браже, В.И.Загвязинский, Е.А.Лапина ва бошқаларнинг тадқиқотларида кўриб ўтилган. Педагогика соҳаси таълими жараёнида касбий маҳоратга эгалликни тарбиялашнинг ўзига хослиги устида В.А.Каракровский, В.А.Левина, О.А.Халифаева, Н.М.Яковлева ва бошқаларнинг тадқиқотларида кузатиш мумкин. Сўнгги вақтларда таълим жараёнида ижодкорлик ва коммуникативликни баъзи аспектларини Д.П.Кохановская, А.М.Лещенко, В.В.Мороз, А.П.Тряпицина, И.М.Файзрахманова тадқиқотларида учратиш мумкин.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий касбий тайёргарлигини таъминлаш муаммоси бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган бўлса-да, бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий-коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш психологик-педагогик ҳамда дидактик имкониятлари ва методикаси тўлиқ очиб берилмаган, уларни такомиллаштириш муаммоси махсус тадқиқ этилмаган. Бу эса, педагогик касбий тайёргарлик жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий-коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш муаммосини тадқиқ этиш заруратини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг АИФ 2/17 - “Ўзбекистон олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этишда янги технологиялар” (“МТ+ТВВ 18” модели) (2019–2021 йй.) мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак ўқитувчиларни педагогик касбий фаолиятга тайёрлашда ижодий-коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим муассасаларида инновацион ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий-коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш муаммоларини тарихийлик нуктаи назаридан ўрганиш ва унинг ҳозирги ҳолатини танқидий таҳлил асосида аниқлаштириш;

бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий-коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишнинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиш;

олий таълим жараёнида бўлажак ўқитувчилар ижодий-коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш методикасини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий-коммуникатив қобилиятларини

баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва тажриба-синов ишларини ўтказиш ҳамда олинган натижаларга математик-статистик ишлов бериш.

Тадқиқотнинг объекти олий таълим муассасаларида “Педагогика ва психология” таълим йўналиши талабаларини педагогик касбий фаолиятга тайёрлашда ижодий-коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий-коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришнинг мазмуни, шакли, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун фалсафа, психология ва педагогика фанларига доир адабиётларни тадқиқот муаммоси нуқтаи назаридан ўрганиш ва таҳлил қилиш; педагогик моделлаштириш; ташхислаш, шу жумладан сўровномалар, анкеталар, интервью, кузатув; ижодий фаолият натижалари ва талабаларнинг якуний ишлари таҳлили; педагогик тажриба-синовларни амалга ошириш ҳамда унинг натижаларини математик статистика методлари ёрдамида таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларнинг малака талаблари билан ностандарт педагогик фаолият хусусиятларни партисипатив ва дискурсив ёндашувлар асосида интеграциялаш орқали педагогик-касбий фаолиятни амалга оширишда ижодий-коммуникатив қобилиятларни тавсифловчи интеллектуаллик, ностандарт фикрлаш, ижобий “Мен”-концепцияси (I-Conception) ва ассертивлик каби касбий сифат кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

педагогик ўқитиш жараёнини тарихий-концептуал ва мантикий-стратегик таҳлил қилиш асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг дидактик моделини ишлаб чиқиш орқали талабаларнинг ижодий-коммуникатив қобилиятларини ривожлантиришнинг мақсадли, мазмунли-ташкилий ва баҳоловчи-ташхисловчи каби функционал компонентларининг мазмуни такомиллаштирилган;

талабаларни педагогик касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида ностандарт мазмунли когнитив мулоқотни эркин танлаш ва амалга оширишга қаратилган “freewriting”, “break pattern”, “framing and focusing” ва “case study” каби интерфаол методларни ижодийлик ва касбий йўналганлик тамойиллари асосида ишлаб чиқиш орқали талабаларда ижодий-коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш методикаси такомиллаштирилган;

умуммаданий ва умумкасбий компетенцияларининг узвий шаклланганлигини белгиловчи эмоционал, когнитив ва конатив каби педагогик-касбий категорияларни комплекс ташхислаш орқали бўлажак ўқитувчиларда ижодий-коммуникатив қобилиятларнинг ривожланганлик даражаларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ижодий-коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш аспектида олий таълим ўқув жараёнини такомиллаштириш бўйича 5110900-Педагогика ва психология бакалаврият таълим йўналиши учун “Ижодий-коммуникатив қобилиятларни ривожлантиришда инновацион педагогик технологиялар” номли методик қўлланмаси ишлаб чиқилган ва амалга татбиқ этилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий-коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш даражасини аниқлаш учун мезонлар шкаласи ва натижаларини баҳолаш учун ташхислаш аппаратини таркиблаштирилган ва ижодий вазифалар ва топшириқлардан ташкил топган “Креатив педагог” тўғарак дастури ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Педагогиканинг замонавий ютуқлари таҳлили, ўрганиш мавзуси ва вазифаларига мос келадиган назарий ва эмпирик усуллардан фойдаланиш, тизимли қўллаб-қувватлашни танлаш ва амалга ошириш, иқтисодий самарадорлиги ва мунозарали қўллаб-қувватлаш тизими, тажриба-синовнинг барча босқичлари бўйича тадқиқотлар натижаларини, уларнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари таҳлили, таълим жараёнига муаллиф томонидан таклиф этилаётган тизим ва илгари сурилган назарий ҳолатлар асосида лойиҳалаштириш билан тавсифланади. ОАК рўйхатидаги журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, ушбу муаммо бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари ва улардан олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти замонавий олий таълим шароитида бўлажак ўқитувчиларда ижодий-коммуникатив қобилиятларни ривожлантиришнинг мазмуни ва хусусиятлари ҳақида илмий тасаввурларни кенгайтиришда муаммо тарихийлик нуқтаи назаридан ишлаб чиқилган ва тақдим этилган, “Ижодий-коммуникативлик” тушунчасига аниқлик киритилган; партисипатив ва дискурсив ёндашувлар бир-бирини ўзаро мажмуавий тўлдириш амалга оширилганлиги ижодкорликни ривожлантириш назариясини методологик асосини тўлдирилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим талабаларининг касбий тайёргарлик амалиётида, шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида кенг қўлланилиши мумкин, чунки улар бўлажак ўқитувчиларни касбий қўллаб-қувватлашнинг мазмуни ва шакллари илмий жиҳатдан асослаш ва тизимлаштириш, уларнинг ижодий-коммуникатив қобилиятларини ривожлантиришни мониторингини олиб боришга имкон беради. Тадқиқот ишида таклиф этилаётган назарий хулосалар ва амалий ишланмалар ҳамда методлар бўлажак ўқитувчилар қўлланмалар яратишида ва фан олимпиадалари, танловлар, кўргазмалар, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётда жорий этиш масалаларига амалий ечим топишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак

ўқитувчиларда ижодий-коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган методик таклиф ва тавсиялар асосида:

олий таълим муассасаларида педагогик ўқитиш жараёнини тарихий-концептуал ва мантиқий-стратегик таҳлил қилиш асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг дидактик моделига оид таклиф ва тавсиялар тажриба-синов майдонларидаги 5110900-Педагогика ва психология бакалавриат йўналишлари малака талаблари ҳамда “Педагогик маҳорат” фани мазмунини такомиллаштиришда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 9 февралдаги 89-03-767-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялар олий таълим талабаларининг ижодий-коммуникатив қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилади;

талабаларни педагогик касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида ностандарт мазмунли когнитив мулоқотни эркин танлаш ва амалга оширишга қаратилган “freewriting”, “break pattern”, “framing and focusing” ва “case study” каби интерфаол методларни амалиётга жорий этишга оид тавсиялар “Педагогик маҳорат” ўқув предмети дидактик таъминоти мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг

2021 йил 9 февралдаги 89-03-767-сон маълумотномаси). Мазкур таъминот бўлажак ўқитувчиларнинг касбий салоҳияти ва компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилади;

талабаларда ижодий-коммуникатив қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув-методик таъминот мазмунини ижодкорлик характеридаги ностандарт муаммоли топшириқлар ва кейслар банкини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар 5110900-Педагогика ва психология бакалавриат таълим йўналиши учун “Ижодий-коммуникатив қобилиятларни ривожлантиришда инновацион педагогик технологиялар” методик қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 9 февралдаги 89-03-767-сон маълумотномаси). Мазкур услубий таъминоти ишланмалар талабаларнинг мустақил таълими ҳамда методик-касбий тайёргарлигини ривожлантиришга хизмат қилади;

умуммаданий ва умумкасбий компетентлик даражаларини белгиловчи эмоционал, когнитив ва конатив каби педагогик-касбий категорияларни комплекс ташхислаш мезонларига оид таклифлар АИФ 2/17 - “Ўзбекистон олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этишда янги технологиялар” (“MT+TBV 18” модели) (2019–2021 йй.) мавзусидаги грант лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 9 февралдаги 89-03-767-сон маълумотномаси). Мазкур методик тавсиялар бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга тайёргарлигини баҳолаш методикасини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 тадан ортиқ илмий-услубий ишлар, жумладан, 1 та методик қўлланма, 2 та муаллифлик гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 122 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил қилинган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги ва илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби **“Бўлажак ўқитувчиларда ижодий-коммуникатив қобилиятларни ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган бўлиб бўлажак ўқитувчиларни педагогик касбий фаолиятга тайёрлаш ҳолати ва муаммолари таҳлили, бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий-коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш педагогик тизими ҳамда касбий интеллектуалликни шакллантиришда ижодий-коммуникатив қобилиятларнинг роли ва аҳамияти ёритилган.

Ҳар бир талабанинг бўлажак касбий фаолиятида ижодий қобилиятларни намоён қилиши – ўзини камол топтириши ва мақсадини рўёбга чиқариши учун муҳим сифат кўрсаткичи саналади. Анъанавий таълим тизими ўқитувчидан талабага ахборотни етказиш жараёни сифатида кўринади ва қўйилган саволларсиз жавобларни таъминлашга айланади. Қайд этишимиз жоизки, тайёр кўринишда тақдим этилган ва олинган билим ҳамда кўникмалар ўқитишнинг мақсади ҳисобланмайди, балки креативликни юзага чиқариш, ижодий фаолиятни амалга ошириш учун воситага айлана боради. Шу боис бўлажак педагогларда ижодий-коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш муаммоси алоҳида эътиборни талаб қилади. Негаки, айнан ўқитувчилардан таълим жараёнида ижодий фаолиятини онгли бошқариш, ёш авлодда креативликни камол топтира билиш талаб қилинади.

Тадқиқотимиз мантиғи ва қўйилган мақсадга эришиш истаги бўлажак ўқитувчиларда коммуникатив ижодий қобилиятни ривожлантириш муаммоси бўйича маҳаллий ва хорижий тадқиқот ишларини тарихийлик нуқтаи назаридан таҳлил қилишни тақозо этади.

Тарихий-педагогик таҳлил асосида, қуйидаги уч жиҳат: 1) креативлик назариясини ишлаб чиқиш, 2) тарбия ва таълим назариясининг шаклланиши, 3) шахснинг коммуникатив ривожлантириш ғоялари ривожини ҳисобга олиб, бўлажак ўқитувчиларда ижодий-коммуникатив қобилиятларни таркиб топтириш ажратиб кўрсатилган.

Ижодий фаолият хусусиятларини назарий таҳлилида – креативликни ривожлантириш ва камол топтириш, таълим оловчиларда ижодий фаолият усуллари шакллантириш методларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш жараёнида босқичма-босқич ўз аксини топди.

Илмий изланишлар, ҳозирги методологиянинг тадқиқий потенциалини

таҳлил қилиш натижасида биз талабаларда ижодий-коммуникативликни ривожлантириш муаммосини ҳал этиш учун қуйидаги ёндашувларни танлаб олдик: тизимли; партисипатив; дискурсив.

Энди бу ёндашувларни танлаганимизни изоҳлаймиз. Биринчидан, тадқиқотимиздан кўзланган мақсад бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив ижодкорлигини ривожлантириш тизимини ишлаб чиқишдан иборат. Бунга эса тизимли ёндашув ғоясига таяниб эришилади. Иккинчидан, партисипатив ёндашувни қўллаш коммуникация жараёнларини тадқиқ қилишда замонавий талабларга мос келади. Учинчидан, ёндашувлар таркиби ўрганилаётган шахс сифати тури – ижодий-коммуникативликдан келиб чиқиб белгиланган.

Тадқиқот муаммосига оид илмий адабиётлар ва “Педагогика ва психология” таълим йўналиши ўқув-меъёрий хужжатларини таҳлил қилиш орқали қуйидаги муаммо ва камчиликлар аниқланди:

1. Бўлажак ўқитувчиларни шахсий-касбий шаклланишига йўналтирилган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, уларда айнан бир вақтнинг ўзида ҳам ижодий ҳам коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш масаласига бағишланган махсус тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

2. Хориждаги ҳамда республикамиздаги педагоглар ва психологлар томонидан амалга оширилган илмий изланишларда “креативлик” атамаси “ижодкорлик” ва “педагогик ижодиёт” тушунчаларининг синоними сифатида ёритилган. Креативликнинг асосини ташкил этувчи алоҳида ижодийлик хусусияти ёки унинг дастлабки босқичи эканлиги мавжуд тадқиқотларда етарлича очиқ берилмаган.

3. Умумкасбий ва ихтисослик педагогик туркум фанларининг (“Педагогик маҳорат”, “педагогик технологиялари”, “педагогик менежмент” ва “педагогик конфликтология”, “психодиагностика”) амалий машғулотларини ўқитишда талабаларни ижодий фикрлаш билан бир қаторда коммуникативликка ҳамда соҳага оид янгиликларни ўзлаштириб бориш ва семинар тренинг ва мастер классларни ўтказишга етарлича аҳамият берилмаётганлиги;

4. Ижодкорликка қаратилган топшириқ ва машқларни бажаришда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш ва электрон таълим ресурсларини яратиш бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга кам эътибор қаратилганлиги.

Бу эса ўз навбатида, талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда ижодий-коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш методикасини ишлаб чиқиш ва шу асосда шахсга йўналтирилган технологияларнинг имкониятларидан фойдаланиш орқали таълим самарадорлигини оширишнинг интеграллашган педагогик тизимини амалиётга татбиқ этиш заруратини асослайди.

Педагогик тизим тизимнинг бир қисм вазияти сифатида кўрилади ва тегишли сифатларга эга шахсни камол топтиришга мақсадли йўналган ва олдиндан ўйланган педагогик таъсир кўрсатиш воситасини яратиш учун зарур ўзаро алоқадор воситалар, методлар ва жараёнлар йиғиндисини ифода

этади. Қайд этиш жоиз, реаллик, ижтимоийлик, мураккаблик, очиклик, динамиклик, эҳтимоллик, мақсадга интилувчанлик ва бошқарилувчанлик педагогик тизимларнинг белгилари саналади.

Талабаларда ижодий-коммуникативликни ривожлантириш тизимини куришга нисбатан партисипатив ёндашувни қўллаш қуйидагиларга имкон беради:

1) Ижодий-коммуникатив тарбиясини таълим жараёни субъектларининг биргаликдаги иштироки, ўзаро хатти-харакати сифатида асослаб беради;

2) Ижодий-коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш жараёнида бўлажак педагогларнинг фаол субъектив позициясини, яъни ўз-ўзини тарбия қилиш усулларини фаол қўллаш имконияти ва заруратини белгилайди;

3) Талабаларда коммуникатив ижодкорлигини ривожлантириш тизими мазмунида тарбиянинг фаол ва интерфаол шакллари устуворлик касб этишини уқтиради.

Шундай қилиб, келтирилган таҳлил натижалари асосида биз бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий-коммуникатив қобилиятларини қуйидаги таркибий қисмларини таклиф этилди (1-расм)



1-расм. Бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий-коммуникатив қобилиятлари таркибий тузилмаси

Интеллектуал қобилиятларнинг юқори даражаси фаолиятнинг қандайдир бир соҳасида иқтидорлиликнинг камол топишига қўмаклашиши мумкин. Бунда келгусида йўқолиб қолиши ҳам, ёки ривож топиши ҳам мумкин бўлган ёшга доир иқтидор алоҳида рол ўйнайди.

Бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий-коммуникативлиги деганда, таълим жараёни субъектлараро муносабатларда мулоқотли мақсадларга эришиш учун касбий масалаларни ҳал этишда креатив фикрлаш орқали оригинал, ностандарт методларини намоён қилувчи ижобий хатти-ҳаракатларни тавсифловчи қобилият тушунилади

Таҳлил қилинган тадқиқотларни умумлаштирарканмиз, биз ижодий-коммуникативликнинг таркибий компонентлари сифатида қуйидагиларни қараймиз: эмоционал, когнитив ва конатив.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Бўлажак ўқитувчиларда ижодий-коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш методикаси”** деб номланган бўлиб, унда бўлажак ўқитувчиларда ижодий-коммуникатив қобилиятларни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, бўлажак ўқитувчиларда ижодий-коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилган ҳамда масофадан ўқитиш шароитида ижодий-коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш имкониятлари аниқланган.


Педагогика фанининг замонавий назарияси ва амалиётида ташкилий-педагогик, психологик-педагогик ва дидактик шарт-шароитлари гуруҳлари ажратилган. Ташкилий-педагогик шарт-шароитлар ўзида таълим вазибаларини муваффақиятли ҳал этадиган ва педагогик жараён ривожини ва ишлашига бевосита алоқаси бўлган имкониятлар йиғиндисини ифодалайди.

Тадқиқот ишимизда педагогик шарт-шароитлар деганда педагогик тизим ишлаши ва ривожини таъминловчи, таълим ва моддий-техник макон муҳитининг таълим жараёни субъектларига ижобий таъсир этувчи имкониятлари йиғиндисини акс эттирувчи ташкилий ҳолатлар тушунилади.

Олий таълим амалиётида қўлланадиган ташкилий-педагогик шарт-шароитлар ва ижодий-коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш тизими хусусиятлари таҳлилидан келиб чиқиб, педагогик йўналишдаги олий таълим муассасалари жараёнига яхлит ҳолда ижодкорликни ва ижодий-коммуникатив қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган машғулотларни ташкиллаштириш орқали биз ишлаб чиққан тизим иш самарадорлигини таъминлаш зарур, деб ҳисоблаймиз. Талаба тасаввурига таяниш, фантазияни ифодалашнинг ва ижодий ёндашувнинг эркинлиги шу каби машғулотларни ташкил этишнинг умумий принциби бўлиши лозим.

Ижодий-коммуникатив қобилият ижтимоий зарурат касб этиб, шахснинг мулоқот жараёнида жамият томонидан қўйиладиган ахлоқий тамойиллар ва ҳуқуқий меъёрларга онгли амал қилишини англатади. Ижодий-коммуникатив қобилият бевосита ностандарт фикрлаш ва таваккал қилишдан қўрқмаслик каби хусусиятлар билан бирга ривожланади.

Олиб борган тадқиқотларимиз натижасида, биз бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий-коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш моделини ишлаб чиқдик (2-расмга қаранг). Ушбу педагогик схема ҳар бир ташкил этувчи компонентлар (ижтимоий эҳтиёж, мақсад, тамойиллар, ёндашувлар, функционал компонентлар ва муҳим сифатлар, таълим мазмуни, таълим жараёни, баҳолаш мезонлари, тайёргарлик даражалари)дан иборат.



2-расм. Бўлажак ўқитувчиларда ижодий-коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш модели

Талабаларда шаклланган мотив ва қайд этилган мақсадли йўналишлар мотивацион-мақсадли компонентни татбиқ этиш натижаси сифатида намоён бўлади. Тизимнинг мазмунли-ташкилий компоненти таълим жараёнидаги коммуникациянинг ўзига хослиги, шунингдек, ижодкорликни ривожлантириш метод ва усуллари ҳақидаги билимларни жамлаш ва тизимлаштириш масаласини ҳал қилишга йўналтирилган.

Қуйидагилар ушбу компонентнинг функциялари саналади: информацион функция ижодий-коммуникативликни ривожлантиришни таъминловчи ва таълим жараёни субъектларини фаоллаштиришга имкон берувчи мазмунни аниқлаб беради; мувофиқлаштирувчи функция эса тизим доирасида таълим жараёни субъектларининг ўзаро муносабати векторларини белгилаб олишга қаратилган.

Мазмунли-ташкилий компонент ўзагини икки блокдан таркиб топган ижодий-коммуникативликни ривожлантириш бинар дастури ташкил этади. Биринчи блок коммуникатив жараёнга ўқитишга имконга беради, иккинчи блок эса бўлажак педагоглар ижодкорлигини ривожлантиришга йўналтирилган.

Бўлажак педагогларда ижодий-коммуникатив қобилиятни ривожлантириш жараёни бир мунча мураккаб жараён бўлиб, унда таълимнинг замонавий усуллари аҳамияти бекиёсдир.

Тадқиқот доирасида бўлажак ўқитувчиларда ижодий-коммуникатив қобилиятларни ривожлантиришнинг модернизациялашган дидактик таъминоти ишлаб чиқилди. Қуйида педагогик маҳорат фани ва аудиториядан (дарсдан) ташқари машғулотларда таълимий тажриба-синов ишлари жараёнига татбиқ этилган интерфаол ишланмаларнинг намуналарини келтириб ўтамиз:

“Case-study” (Кейс технологияси) методи – турли вазиятларнинг тавсифидан, яъни кейслардан фойдаланган ҳолда талабаларнинг муаммоли вазиятларда самарали ечимни топа олиш кўникмаларини шакллантириш техникасидир. Бунда касбий муаммоларнинг реал вазиятларда аниқ ечимларини топиш назарда тутилади.

“Freewriting” (Фикрларни эркин ёзиш) методи "эркин ёзиш" – бу фикр юритиш услубига ўхшаш ғайриоддий ечимлар ва ғояларни топишга ёрдам берадиган ёзув техникаси ва усули. Бу маълум бир вақт давомида (одатда

10-20 дақиқа) пайдо бўлган барча фикрларни қайд этиш. Методни самарали қўллашда қуйидагиларга эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади: суҳбатдош эътиборини қандай усуллар билан жалб қилиш; касбий фаолиятда қандай мулоқот қилишингизни эътибордан четда қолдирмаслик; ўзингиз ва атрофингиздагилар билан бўлган мулоқотни таҳлил қилиш; қандай мулоқот қилиш мумкинлиги ҳақида ўйлашга; мулоқот жараёнидаги талабларга жавоб берадиган сифатлар рўйхатини тузиш.

“**Framing and focusing**” методи – талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, сўз бойликларини ошириш, янги вазиятларда ҳаракат дастурига эгалик кўникмасини шакллантириш мақсадида қўлланилади.

“**Break pattern**” методи – талабаларни одатий сўзлашув услуби кам самарадорликка эга бўлганда, ижобий натижага эришишга ишонч бўлмаса, алоҳида вазифани ҳал этишда ноодатий метод ва усулларни қўллашда ўргатиш; таваккалчилик ҳар доим креативлик ва ижодкорлик билан алоқадор эканлигини тушунтириш, фаолиятга тайёрлашга хизмат қилади.

Баҳоловчи ташхисловчи компонентда бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий-коммуникатив функционал компонентларнинг (эмоционал, когнитив ва конатив) шаклланганлик даражалари (юқори, ўрта ва паст)ни комплекс аниқлашга мўлжалланган баҳолаш мезонлари (рефлексивлик, когнитивлик, коммуникативлик, креативлик) ишлаб чиқилган.

1-жадвал

Ижодий-коммуникатив қобилият мезонлари

МЕЗОНЛАР	ЮҚОРИ	ЎРТА	ПАСТ
Рефлексивлик – инсоннинг ғоявий сезgirlлиги, ўз нуқтаи назарини химоя қилиши, иш ва сўз бирлиги	Воқеликка тез ва аниқ йўналганлик	Мулоқотга осон киришиш, мулоқот жараёнида ўз фикрини афзаллигини химоя қила олиш	Ташки таъсирлар ёрдамида ўзгалар фикрини тушуниш
Когнитивлик – алоҳида вазифани ҳал этишда ноанъанавий метод ва усулларни қўллаш	Дивергент тафаккурга эгалик кўникмаси. мулоқот қилишнинг барча муқобил имкониятларни таҳлил қила олиш кўникмаси	Мулоқотда суҳбатдош кўнглига ҳамма вақт ҳам йўл топа олишга ишончнинг мавжуд эмаслиги	Конвергент тафаккурга эгалик. Мулоқотга бир томонлама ёндашув
Коммуникативлик – бошқа кишилар билан осон мулоқотга киришиш	Шахснинг жозибали мулоқотга кириши, коммуникатив кўникмага эгалик	Мулоқотга йўналганлиги, одамларга самимий муносабат	Мулоқотга қийин киришиш
Креативлик – янги ёндашувлар ва янги маҳсулотларга мослашиш қобилияти	Мулоқотга киришишда янги ғояларни излаб топиш, вазиятга самимий тус бера олиш	Мулоқотга киришишда янги ғояларни қўллай олиши, фақат ўзининг ғоялари камлиги	Стереотип-бошқалар қандай мулоқот қилса, шундай мулоқотга киришиш

Диссертациянинг “**Бўлажак ўқитувчиларда ижодий-коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш бўйича педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш**” деб номланган учинчи бобида бўлажак ўқитувчиларда ижодий-коммуникатив қобилиятларни

ривожлантириш бўйича педагогик тажриба-синов ишлари тавсифива уларнинг натижалари таҳлили келтирилган.

Тажриба-синов ишларида 2016-2020 ўқув йиллари мобайнида Қарши давлат университети, Бухоро давлат университети ва Навоий давлат педагогика институтларидаги 5110900 – Педагогика ва психология бакалавриат таълим йўналишининг 417 нафар талабаси қатнашди.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди:

Биринчи босқич – ўрганувчи-таҳлилий босқич (2016–2017 ўқув йили)да бўлиб, тадқиқот муаммосининг илмий-назарий, илмий-услубий асослари ўрганилди; тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари аниқланди; тадқиқот объекти ва унинг кўрсаткичлари ҳамда унга мос мезонлар, назарий манбалар таҳлил қилинди. Ўқув жараёни самарадорлигини оширувчи ўқув-услубий адабиётларни яратиш зарурияти илмий-назарий жиҳатдан асосланди, назариялар шакллантирилди. Танлаб олинган олий таълим муассасаларидаги 5110900–Педагогика-психология бакалавриат таълим йўналиши умумқасбий ва ихтисослик педагогик туркум фанларининг ишчи дастурлари таҳлил қилиниб, такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Ўқув жараёни самарадорлигини оширувчи ўқув материаллари, амалий ва мустақил таълим топшириқларини бажариш бўйича кўрсатма ва ижодий топшириқлар тузилди.


Иккинчи босқич – амалга ошириш босқичи бўлиб (2017–2018 ўқув йили), тадқиқотнинг ишчи фарази, мақсад ва вазифалари амалга оширилди. Ўқув жараёнида бевосита ноанъанавий ўқитиш таълимига таянган ҳолда талабалар фаоллигини оширувчи янги талқиндаги методик қўлланма ва тўғарак дастурини ишлаб чиқиш режа-лойиҳаси ва босқичлари тузилди.

Учинчи босқич – шакллантирувчи тажриба босқичи бўлиб (2018–2020 ўқув йили), ўқув жараёнининг самарадорлигини талабларнинг фанни ўзлаштириши ва билим даражасини аниқлаш асосида белгилаш, ноанъанавий ўқитиш методлари, анкета сўровномалари ўтказиш ва ностандарт топшириқлар орқали баҳолашни назарда тутади.

2-жадвал

Тажриба-синов ўтказилган барча олий таълим муассасалари бўйича умумий натижалар

Тажриба-синов ўтказилган ОТМлар бўйича умумий натижалар	Баҳо кўрсаткичи	Тажриба гуруҳи				Назорат гуруҳи			
		Тажриба бошида талаба сони	%	Тажриба охирида талаба сони	%	Тажриба бошида талаба сони	%	Тажриба охирида талаба сони	%
		Аъло	29	13,2	63	28,6	20	10,0	25
Яхши	59	27,0	99	45,4	61	31,0	72	36,4	
Қониқарли	110	50,1	57	26	96	48,4	92	46,4	
Қониқарсиз	21	9,7	0	0,0	21	10,6	9	4,6	



3-расм. Тажриба-синов ўтказилган олий таълим муассасалари бўйича умумий натижалар диаграммаси

“Педагогик маҳорат” фанини ўқитишда ўқув дастури бўйича ишлаб чиқилган методик қўлланма ва “Креатив педагог” тўғарак дастури ёрдамида ўқув машғулотларининг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган методикани синовдан ўтказиш ишлари олиб борилди. Ўтказилган педагогик тажриба-синов ишларида тайёрланган намунавий ишланмалар ва инновацион дидактик воситалар асосидаги ўқув натижалари умумлаштирилиб, хулосалар амалий жиҳатдан текшириб кўрилди ва олинган натижалар математик-статистик методлар ёрдамида таҳлил қилинди.

Тажриба-синовнинг бутун даврида ҳар бир тажриба-синов иши шароитини ҳисобга олган ҳолда ижодий-коммуникативликни ривожлантириш-нинг ишлаб чиқилган тизими фаолияти натижадорлигини тақдим этамиз. Олинган сон маълумотларни математик-статистик таҳлил қилишда Стъудентнинг танлама мезонидан фойдаланилди.

Тадиқот давомида ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари комуникатив компетентликни шакллантириш орқали бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш мақсадида ўқув жараёнига киритилган ўқув-методик таъминот ҳамда методика асосида олиб борилган назарий ва амалий, мустақил таълим машғулотлари самарали эканлигидан далолат берди. Олий таълим муассасаларида ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик жиҳатдан таҳлил қилиниб, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш самарадорлиги назорат гуруҳига нисбатан 12 % юқори эканлиги исботланди.

ХУЛОСА

Олиб борилган илмий-педагогик тадқиқот натижаларининг таҳлили ва яқунларига асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Олий таълим педагогикасида талабаларларда ижодий-коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш бўйича катта тажриба тўпланган, бироқ мазкур муаммо ҳали етарлича тадқиқ этилмаган. Бу эса бирқатор илмий-назарий шарт-шароитлар билан белгиланади, хусусан: 1) иждодкорлик назарияси ривожини; 2) таълим ва тарбия назариясининг қарор топиши; 3) шахс коммуника-тивлигини ривожлантириш ғоялари.

2. Бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлаш сифатини ошириш зарурати, педагогик йўналишдаги олий ўқув юртлари битирувчиларига нисбатан таълим ва касбий стандартларда акс этган талабларнинг ўзгараётгани, бўлғуси педагогларда ижодий-коммуникативлик юзага чиқишини таъминловчи назарий ва методик аппаратни ишлаб чиқиш муҳим экани талабалаларда ижодий-коммуникативликни ривожлантириш муаммосини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

3. Бўлажак ўқитувчиларда ижодий-коммуникативликни ривожлантириш – уларда муайян қобилиятни шакллантиришга қаратилган мақсадли жараён бўлиб, бу қобилият таълим жараёни субъектлари билан ўзаро муносабатлашиш мақсадига эришишни кўзда тутувчи коммуникатив вазибаларни ҳал этишнинг оригинал, ностандарт усуллари туғилишида гавдаланади.

4. Ижодий-коммуникативлик уч даража – юқори, ўрта ва паст даражада ифодаланади. Қуйидагилар ижодий-коммуникативликнинг таркибий компонентлари саналади: а) эмоционал (ҳазил-мутойиба ҳисси, ижодий мотивация, ассертив (ўзига ва суҳбатдошига тўғри баҳо бериши), суҳбатдошни эмпатияли (бегона ҳиссиётли ҳолатга кира олиш қобилияти) идрок этиш; эмоционал қайишқоқлик ва лабиллик (инсоннинг беқарор рухий ва жисмоний ҳолати)); б) когнитив (психологик қизиқувчанлик, интеллектуал ташаббускор-лик, коммуникатив алоқаларни ўрнатишнинг осонги, мулоқот қилишда мослашувчанлик ва оригиналлик); в) конатив (коммуникатив фаоллик, импровизация қилишга қодирлик, мустақиллик ва реакция билдиришда адекватлик).

5. Тадқиқотнинг умумилмий стратегияси сифатида тизимли ёндашув ишлаб чиқиладиган тизимнинг мақсади, унинг компонентли таркибини аниқлаб олиш, компонентлараро ва ташқи алоқаларни кўрсатиб бериш, режаланган натижаларга эришиш босқичлари ва мезонларини аниқлаш, диагнозлаш процедураларини ишлаб чиқиш ва верификациялаш, тизимни моделлаш-тиришни, унинг ишлашини башоратлашни амалга ошириш, замонавий таълим жараёнида унинг ривожланиш истиқболлари ва қўлланиши ўзига хосликларини аниқлашга имкон беради.

6. Бўлажак ўқитувчиларда ижодий-коммуникативликни ривожлантириш тизими мақсадли, мазмунли-ташкилий, баҳоловчи-ташхисловчи компонентлардан таркиб топган. Партисипатив ёндашув таълим жараёни

субъектлари ўзаро хатти-ҳаракати сифатида талабаларда ижодий-коммуникативликни ривожлантириш жараёни моҳияти ва таркибини асослаб бериш, тизим ишлаши натижаларини лойиҳалаш, ишлаб чиқиладиган тизим самарадорлигини ошириш усуллари белгилаб олишни таъминлайди. Дискурсив ёндашув тизимни амалиётга жорий этиш жараёни методологик ва мазмунан тўлиши, фойдаланиладиган матнлар имкониятлари ва таълим жараёни субъектлари хулқ-атворидаги дискурслар ҳисобини аниқлашда намоён бўлади.

7. Тажриба-синов ишининг бутун даври мобайнида назорат ва тажриба гуруҳларда ижобий ўзгаришлар содир бўлди, бироқ назорат гуруҳидаги бу ўзгаришлар у қадар аҳамиятга эга эмаслиги аниқланди. Олинган натижалар тажриба-синов ишларининг самарали бўлганлигини тасдиқлади.

Юқорида келтириб ўтилган хулосаларни инобатга олиб, қуйидаги методик тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ижтимоий тармоқларда креатив мулоқот иштирокчиларига ўз фикр-мулоҳазалари устида ишлаш, диалогларни, муҳокамаларни таҳлил қилиш, зарурат бўлганда ўз хатосини тузатиш, лексикани ўзгартириш, турли нутқий ибораларни қўллаш, турфа одамлар билан мулоқот қилиш бўйича кенгқамровли тажриба тўплаш мақсадида Онлайн-журнални мунтазам юритиш лозим.

2. 5110900–Педагогика ва психология бакалавриат йўналишлари “Креатив педагог” ўқув курсини ўқитишда электрон ахборот таълими ва мультимедиа воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

3. Бўлажак ўқитувчиларда ижодий-коммуникативликни ривожлантириш учун дастлабки курсдан оқ уларни босқичма-босқич мустақил инновацион-ижодий ишларга ва муаммоли вазиятли топшириқларнинг ечимини топишга тизимли ўргатиш керак.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
ИННОВАЦИЙ, УПРАВЛЕНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫМ
ОБРАЗОВАНИЕМ, ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИЯ
КВАЛИФИКАЦИИ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХАИТОВА ЮЛДУЗ САИТОВНА

**РАЗВИТИЕ ТВОРЧЕСКО-КОММУНИКАТИВНЫХ СПОСОБНОСТЕЙ
БУДУЩИХ ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ В ПРОЦЕССЕ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ**

13.00.05 – Теория и методика профессионального образования

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020/4.PhD/Ped1501.

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.iigro.uz, и информационно-образовательном портале "ZiyoNet" по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: Курбонов Шавкат Эргашевич
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: Шарипова Диляра Джуманиязовна
доктор педагогических наук, профессор

Мирсолиева Мухаббат Тўхтасиновна
доктор педагогических наук, доцент

Ведущая организация: Джизакский политехнический институт

Защита диссертации состоится «16» 04 2021 года в 13⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019. Ped 48.01. при Институте педагогических инноваций, переподготовки и повышении квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования. (Адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, улица Зиё, дом 76). Тел.: (99871) 227-19-24; факс: (99871) 227-19-24; e-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института педагогических инноваций, переподготовки и повышении квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования (зарегистрирована за № 37). Адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, улица Зиё, дом 76). Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-92-17.

Автореферат диссертации разослан « _____ » _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2021 года).



Р.Х. Джураев
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.п.н., профессор

С.Ю. Ашурова
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.п.н., профессор

К.Т. Олимов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
учёных степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Вопрос развития профессиональной подготовки будущих специалистов в образовательном процессе приобретает неотложную глобальную значимость. В самых передовых образовательных центрах развитых стран ([Center for Creative Leadership Courses](#), [IEDP](#), [MOOC](#), [CPC](#)) креативные и коммуникативные способности признаются важными качествами. В частности, утверждается необходимость быть готовым к возможным вариантам общения (Verbal, Written, Nonverbal) с личностями разного возраста, обладающими креативностью, коммуникативностью, открытостью, уровнем образования и социальным положением, быть примером для других. Это имеет важное значение для того, чтобы будущий преподаватель обладал приспособляемостью, динамизмом, своеобразным творческим началом, быстрой адаптируемостью к новым условиям и реализации им инновационной профессиональной деятельности.

Во всем мире особое значение имеют эффективная организация процесса творческого образования (Creative Education) посредством развития в процессе профессиональной подготовки педагогических кадров таких творческо-коммуникативных способностей, как эмоциональная, когнитивная и коммуникативная, на основе системного, партисипативного, мотивационного, дискурсивного, рефлексивного и деятельностного подходов; формирования таких важных качеств, как интеллектуальность, нестандартное мышление, самостоятельность, ассертивность, соответствующих функциональным компонентам развития творческо-коммуникативных способностей, направленных на совершенствование подготовки студентов к педагогической профессиональной деятельности в высших образовательных учреждениях. С этой точки зрения осуществление подготовки будущих преподавателей к педагогической профессиональной деятельности на уровне мировых стандартов предполагает необходимость развития творческо-коммуникативных способностей студентов посредством обеспечения междисциплинарной интеграции, осуществления нестандартного, содержательного и когнитивного общения, реализации творческих действий, развития профессиональных качеств, формирования общекультурных и общепрофессиональных компетенций.

В целях создания в нашей стране необходимых условий для подготовки высококвалифицированных специалистов на основе международных стандартов, вопросы установления тесных сотруднических связей с ведущими научными образовательными учреждениями, широкого внедрения передовых педагогических технологий и учебно-методических материалов, развития творческого коммуникативного потенциала научно-педагогических кадров, поднятия высшего образования на новый качественный уровень, а также дальнейшее совершенствование форм и этапов образования в соответствии с

приоритетными направлениями Стратегии действий¹ определены в качестве основных задач. Это, в свою очередь, предполагает совершенствование существующих методик развития творческих коммуникативных способностей у студентов на основе широкого внедрения в практику передовых инновационных практических разработок.

Диссертация в определенной степени служит реализации задач, намеченных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, УП 5264 от 29 ноября 2017 года “Об образовании Министерства инновационного развития Республики Узбекистан”, ПП-2829 от 14 марта 2017 года “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности образовательных учреждений среднего специального, профессионального образования”, УП-5847 “Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года” от 8 октября 2019 года, ПП-2909 “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования” от 20 апреля 2017 года, Послании Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису от 24 января 2020 года и других нормативно-правовых актах, имеющих отношение к данной сфере деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. “Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового государства, формирование инновационной экономики”.

